



## “ТЕМИР ЙЎЛДА ТЕХНИК ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ВА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИДА МУЛЬТИМЕДИАНИНГ ЎРНИ

**Karimova Shaxnoza Sabirovna**

*talaba, Toshkent davlat transport universiteti*

[karimovashaxnoza001@gmail.com](mailto:karimovashaxnoza001@gmail.com)

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, ҳамда замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

“Темир йўлдан фойдаланиш ишларини бошқариш” кафедрасида “Темир йўлда техник фойдаланиш қоидалари ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги” фани талабаларга темир йўл иши ва ходимларига бўлган асосий талабларни, муҳим иншоотлар, қурилмалар ва ҳаракат таркибларининг асосий ўлчамларини ва уларга бўлган талабларни, поездлар ҳаракатини ташкил қилиш тизимини, сигнализациялаш принципларини ҳамда поездлар ҳаракат хавфсизлиги таъминлаш ва унда ишлатиладиган поезд хужжатларини ўргатади. Бу фан талабаларга ихтисослик фанларига киришда ўтилади ва уларнинг ихтисослик фанларини ўзлаштиришини сезиларли даражада осонлаштиради. Чунки талаба темир йўл иши ва ўз навбатида унда ишлатиладиган атамалар билан тўлиқ танишиб чиқсан бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”га мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимиға илм-фаннынг узвий равишда кириб бориши учун биринчи навбатда илгор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннынг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбиларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Бугунги кунда олий таълим фанларини мультимедиа курслари билан бойитиш бўйича бир қатор илмий ишлар мавжуд [1-7]. Аммо, “Темир йўлда техник фойдаланиш қоидалари ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги” фанида мультимедиани қўллаш самарадорлигига бағишланган илмий изланишлар етарли олиб борилмаган.

“Темир йўлда техник фойдаланиш қоидалари ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги” фанида илм-фаннынг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш учун биринчи навбатда мультимедиа дарсларини яратиш зарурдир. Чунки талаба хар бир мавзуни эшитиб, уни эсидан чиқариши мумкин, аммо ўша мавзуни ҳам эшитиб, ҳам кўрса, натижада бу мавзуни эслаб қолиб, жуда яхши тушунишига олиб келади. Масалан, “Темир йўлда техник фойдаланиш қоидалари ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги” фанида темир йўлнинг рельслар оралиғидаги масофаси тўғри йўлларда 1520 мм бўлиши, перегондаги кўп йўлли участкаларнинг тўғри йўлларида биринчи ва иккинчи йўллар ўқлари ораси камида 4100 мм ва иккинчи ва учинчи йўллар ўқлари ораси эса камида 5000 мм бўлишини аудитория тахталарида чизиб кўрсатса бўлади,

аммо бу биринчидан ўқитувчининг вақтини олади, иккинчидан ўқитувчи тахтага чизиш вақтида талабанинг мавзуга қизиқиши озгина сўниши мумкин. Агар айтиб ўтилган мисолни мультимедиа аудиторияларида кўрсатсак, талаба буни дархол тушунади.

Шу каби бу фанда муҳим иншоотлар, қурилмалар ва ҳаракат таркибларининг асосий ўлчамларини, сигнализациялаш принципларини ва поездлар ҳаракат хужжатларини ўргатадиган мавзулар албатта мультимедиа дарслари қилиб ўтилиши керак.

Поезд хужжатлари айниқса аудитория тахтасига чизиб тушунтиrsa талаба тушуниши қийин бўлади. Чунки бу хужжатлар биринчидан шакли буйича, иккинчидан рангги бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, ДУ-52 поездлар машинистига станция навбатчиси томонидан ярим автоблокировка носозликларида перегонга чиқишига ҳуқуқини берувчи яшил рангли рухсатнома. Бу рухсатнома иккита асосий қисдан иборат бўлади. Биринчи қисми ярим автоблокировканинг ёпиқ светофорларида поездларни жўнатишида тўлдирилса, иккинчиси эса очиқ светофорларда жўнатилганда тўлдирилади. Ушбу иборани талабага янада чуқурроқ ўрганиши учун унга ДУ-52 хужжатини нафақат шакли ва қисмларини, балки очиқ ва ёпиқ светофорларда поездларни перегонга жўнатишини ҳам мультимедиа ёрдамида кўрсатиш керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ахборотни ёдда сақлаб қолиш ва тушуниш учун, уни кўриш керак, кўриш учун эса иллюстратив маълумотлар, яъни мультимедик дарслар ташкил қилиниши керак. Ахборотларни хаётий тушуниш учун эса техник воситалар ёрдамида вазифаларни, хусусан, амалий машғулотлар, лабаратория ва квалификацион ишларни мустақил бажариш лозим. Бу ишлар кейинги ўқув йилларига “Темир йўлда техник фойдаланиш қоидалари ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги” фани учун компьютерлаштирилган лаборатория аудиториясида ўтказиш режалаштирилмоқда ва талабаларнинг фанини ўзлаштиришида яхши натижа кутилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Якубов Максадхан Султанназовиҷ, & Бекмуҳаммедов Бунёдбек Нурмуҳаммад угли. (2023). ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE IMPLEMENTATION OF THE ELECTRONIC DOCUMENT CIRCULATION SYSTEM IN THE FIELD OF EDUCATION. Молодой специалист, 2(13), 45–53. Retrieved from <https://mspes.kz/index.php/ms/article/view/72>.
2. Хусенов Уткир Укташон угли, Юсупов Азизжон Каҳрамонович, Ембергенов Ауезмурат Бекмуратович, & Тоҳтаходжаева Мафратхон Махмудовна. (2023). “ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ КУРСИНИ ЯРАТИШ: DEVELOPMENT OF A MULTIMEDIA COURSE ON THE DISCIPLINE “LIFE SAFETY”. Молодой специалист, 2(12), 22–30. Retrieved from

[https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/57.](https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/57)

3. Хусенов Уткир Укташон угли, Ходжаев Ойбек Шавкатович, Раҳмонов Сирожиддин Иброҳимжон угли, & Умирзаков Давлатжон Долимжон угли. (2023). “АЖРАТИШ ПУНКТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР” МАВЗУСИНИ ЁРИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ: THE USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE COVERAGE OF THE TOPIC “GENERAL INFORMATION ABOUT SEPARATE POINTS”. Молодой специалист, 2(12), 31–37. Retrieved from <https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/58>.

4. Джумаев Шерзод Баҳром угли, Зоҳидов Муҳридин Гофурҷон угли, Таджибоев Ҷаҳонғир Баҳодир угли, & Орипжонов Роҳатҷон Равшанжон угли. (2023). CREDIT – MODULE SYSTEM AND PRINCIPLES OF ITS IMPLEMENTATION IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS: КРЕДИТНО-МОДУЛЬНАЯ СИСТЕМА И ПРИНЦИПЫ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ В ВУЗЕ. Молодой специалист, 2(12), 46–50. Retrieved from <https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/60>.

5. Махманизаров Каҳрамон Абдиевич. (2022). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ВОСПИТАНИЯ КУРСАНТОВ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ: THE EFFECT OF USING VISUAL AIDS IN TEACHING THE HISTORY OF UZBEKISTAN. Молодой специалист, 1(8), 28–32. Retrieved from <https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/10>.

6. Пулаторов Маруф Муродулла угли, Ембергенов Ауезмурат Бекмуратович, & Гайпбаева Гульзия Талгат кизи. (2023). MAXSUS ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ: FEATURES OF THE USE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN TEACHING SPECIAL SUBJECTS. Молодой специалист, 1(9). Retrieved from <https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/39>.

7. Халиков Абдулҳак Абдулхаирович, & Мусамедова Камола Абдулҳаковна. (2022). ИНТЕГРАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА: INTEGRATION OF EDUCATION, SCIENCE AND PRODUCTION. Молодой специалист, 1(7), 18–22. Retrieved from <https://mpes.kz/index.php/ms/article/view/14>.